ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021

УЎК: 342.8(083.132)
КБК: 67.400.5
С 22

С 22 **Сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича ўқув-амалий қўлланма.** – Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази 2021 й. – 376. б.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низамходжаев, Давлат бошқаруви академияси ректори, профессор А.Бекмуродов ва Тошкент давлат юридик университети ректори, профессор Р.Ҳакимовларнинг умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати:
Қ.Қуранбоев, А.Туляганов, Ж.Абдуллаев, М.Икрамов, Х.Маматов, Б.Юнусов, Х.Палуаниязов, А.Қодиров, Б.Алимов, Б.Мусаев.

ISBN 978-9943-7293-0-8 **УЎК: 342.8(083.132)**
КБК: 67.400.5

Тузувчилар: *Ш. Файзиев, Х. Мухамедов, А. Йўлдошев, Ш. Асадов, М. Баратов, И. Беков, Х. Хайитов, Ш. Якубов, С. Муратаев, Д. Бекчанов, Э. Қодиров, Ж. Нематов*

ISBN 978-9943-7293-0-8

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021
© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021

Муродилла Баратов, *юридик фанлари доктори, профессор*

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, САЙЛОВ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш

Муддатидан олдин овоз бериш тартиб-таомилига кўра, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 117-модда («Сайлов тизими»), Сайлов кодекси, 57-модда («Муддатидан олдин овоз бериш»), Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низом (8-боб).

Умумий тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларнинг овоз беришига асосланади. Овоз бериш – ҳар бир фуқаронинг давлат раҳбарини сайлашдек конституциявий ҳуқуқини реализация қилишнинг шаклидир. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги Сайлов кодекси билан кафолатланади.

Сайлов кодексининг 57-моддасига киритилган қўшимчага кўра, *эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли округ сайлов комиссияси томонидан эмас, балки Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.* Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан қонун чиқарувчи шундай тўхтамга келди. Бу борада қонунчилик шаффофлик томон кетмоқда. Ушбу жараён, яъни муддатидан олдин овоз бериш Марказий сайлов комиссияси ваколатига ўтказилди.

Участка сайлов комиссияси томонидан сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш имконияти ва бошқа ҳуқуқлар тушунтирилади.

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар томонидан муддатидан олдин овоз берилганда, участ-

ка сайлов комиссияси аъзоси муддатидан олдин овоз берган сайловчини СЖБАТдан қидириб топади ва муддатидан олдин овоз берган сайловчи сифатида белгилайди ҳамда бу ҳақда фуқаролар доимий яшайдиган участка сайлов комиссиясини хабардор қилади.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади. Бу ҳақда сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида шунингдек, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганидан кейин тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади.

Участка сайлов комиссияси сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши *тақиқланади*.

Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди.

Сайлов бюллетени махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади. Унга дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. У ўзи томонидан тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради.

Конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади. Шу билан сайловчининг муддатидан олдин овоз бериш жараёни тугайди.

Сайлов бюллетенларини олиш, расмийлаштириш ва сақлаш қоидалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенларининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Сайлов бюллетенига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилади. Шунингдек, сайлов бюлле-

тенида номзоднинг туғилган йили ва уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия номи кўрсатилган бўлади. Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларидаги сайловчилар сони ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенларининг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлайди. Ушбу қоида Сайлов кодексининг 32-моддасига иккинчи қисм сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 8 февралдаги ЎРҚ–670-сон Қонунига асосан киритилди.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан, сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида нашр этилади. Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан, сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Кўзи ожиз сайловчилар учун сайлов бюллетенларини брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар тайёрланади.

Округ сайлов комиссияси тегишли органлардан сайлов округи ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг миллий мансублигига кўра аҳоли сони тўғрисидаги маълумотларни сўраб олади.

Давлат органлари икки иш куни давомида сўралган маълумотларни округ сайлов комиссиясига тақдим этади.

Округ сайлов комиссияси олинган маълумотларни умумлаштиради ҳамда сайлов округи ҳудудида истиқомат қилаётган кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилларда сайлов бюллетенларини тайёрлашга эҳтиёжни аниқлайди.

Округ сайлов комиссияси сайловга ўттиз беш кун қолгунга қадар бошқа тилларда тайёрлаш зарур бўладиган сайлов бюллетенларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.

Округ сайлов комиссиялари сайлов округи чегараларида истиқомат қилаётган аҳолининг миллий мансублиги тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда сайлов бюллетенларини тегишли тиллар бўйича участка сайлов комиссияларига тақсимлайди.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини овоз бериш кунига, шу жумладан муддатидан олдин овоз бериш кунига камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан олади.

Сайлов бюллетенларининг топширилганлиги ҳамда қабул қилинганлигини округ ва участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби тегишли ҳужжат (далолатнома) да ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссиясидан муддатидан олдин овоз бериш учун муддатидан олдин овоз бериш бошланишига 3 кун қолгунга қадар участка бўйича рўйхатларга киритилган фуқаролар сонига нисбатан 5% гача миқдорда сайлов бюллетенларини оладилар. Сайлов бюллетенларининг қолган 95,5% гача қисмини – сайлов кунига камида уч кун қолганида оладилар.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг умумий сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган жами сайловчилар сонидан ярим фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Мисол учун: сайлов участкасида жами 1000 нафар сайловчи бўлса, ушбу участканинг участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссиясидан жами 1005 тагача бюллетен олади.

Сайлов бюллетени ўнг томонининг юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларининг сақланишига масъулдир. Сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси хонасидаги сейфда сақланади.

Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмалари сайлов бюллетенлари олинган кундан бошлаб бюллетенлар ҳамда бошқа ҳужжатлар сақланадиган бинонинг қўриқланишини таъминлайди.

Участка сайлов комиссиялари брайль алифбоси асосида тайёрланган трафарет билан таъминланади.

Участка сайлов комиссиясининг сайлов кунига қадар амалга оширадиган асосий вазифалари

Участка сайлов комиссияси тегишли ҳудудда сайловчилар билан ишлаш соҳасида муҳим ваколатларга эга бўлиб, улардан айримларини овоз бериш кунидан олдинги фаолияти давомида амалга оширади. Сайлов кодексининг 24-моддаси ва бошқа мод-

даларида участка сайлов комиссиясининг бир қанча ваколатлари назарда тутилган. Жумладан, участка сайлов комиссияси овоз бериш кунидан олдин белгиланган участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади. Сайловчиларни сайловчиларнинг рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ҳамда кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади. Аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади. Сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади. Шунингдек, участка сайлов комиссияси сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан тўлдирилган сайлов бюллетенларини ёпиқ конвертларда қабул қилиб олади. Бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари ва сайлов қутилари, шунингдек, бошқа жиҳозлар билан тайёрлаб қўйилишини таъминлайди.

Участка сайлов комиссияси қуйидаги тадбирларни режалаштириши зарур:

– аҳолини овоз бериш куни, вақти ва жойи тўғрисида сайловдан камида ўн кун олдин, участка сайлов комиссиясининг жойлашган жойи, телефон рақами, иш вақти, шунингдек, сайловга ўн беш кун қолганида сайловчилар рўйхати билан танишиш учун сайловчиларни хабардор қилиш;

– сайловчиларни қабул қилишни ташкил этиш, комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

– участка сайлов комиссияси биноси ҳамда овоз бериш хонасини жиҳозлаш;

– сайловчилар рўйхатига аниқлик киритиши, ҳамма танишиб чиқиши учун сайловчиларга тақдим этиш;

– округ сайлов комиссиялардан далолатномалар бўйича сайлов бюллетенларини олиш;

– округ сайлов комиссиялардан олинган ҳар бир сайлов бюллетенини икки нафар комиссия аъзосининг имзоси ва комиссия муҳрини қўйиш орқали тасдиқлаш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш.

Сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участка-

си ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Сайлов участкаси ҳудудида яшовчи имконияти чекланган шахсларнинг (ногирон, бемор, қария) рўйхатини шакллантириш лозим. Сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайловчилар рўйхати СЯЭРни шакллантириш бўйича СЖБАТ маълумотлари асосида тузилади. Участка сайлов комиссияси сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олганидан кейин, ушбу маълумотларнинг тўғрилигини уйма-уй айланиб чиқиш (хатлов) орқали аниқлик киритишни амалга оширади. Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун участка сайлов комиссиялари туман-шаҳар ҳокимликларидан тегишли ҳудудда яшовчи сайловчилар тўғрисида зарур маълумотларни олиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига жамоатчилик вакилларини жалб қилиши мумкин. Туман-шаҳар ҳокимликлари сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади. Уйма-уй айланиб чиқиш вақтида фуқаролар сайлов куни ушбу участка ҳудудида бўлиши-бўлмаслигига аниқлик киритилади.

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинчалик яшаётган фуқаролар бўлса, уларнинг овоз бериш куни ушбу ҳудудда бўлиши ёки бўлмаслиги ўзаро суҳбат чоғида аниқланади.

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинчалик яшаётган фуқаролар билан шахсан суҳбат қуриш имконияти бўлмаса, улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди. Агар сайлов участкаси ҳудудида вақтинчалик яшаётган фуқаролар билан ўзаро суҳбат чоғида улар овоз бериш куни ушбу ҳудудда бўлиши аниқланса, улар сайловчилар рўйхатига киритилади. Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларининг сақланишига масъулдир. Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмалари ёки ички ишлар ходимлари сайлов бюллетенлари олинган кундан бошлаб бюллетенлар ҳамда бошқа ҳужжатлар сақланадиган бинонинг қўриқланишини таъминлайди.

Назорат учун саволлар:

1. Жорий йилда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетени намунаси ким (қайси инстанция) томонидан тасдиқланади?
2. Сайлов бюллетенида қандай маълумотлар бўлиши керак?
3. Сайлов бюллетенлари давлат тилидан бошқа тилларда ҳам нашр этиладими? Қайси тилларда?
4. Хорижий давлатлардаги сайловчиларга бюллетенлар қай тартибда етказиб берилади?
5. Сайлов бюллетенларининг сақланиши учун ким жавобгар?
6. Участка сайлов комиссиясининг сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссиясидан олганлиги қандай тартибда расмийлаштирилади?
7. Муддатидан олдин овоз бериш нима? Муддатидан олдин овоз бериш тартиб-таомиллари қандай?
8. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларига нималар киради?
9. Сайловчининг муддатидан олдин овоз бериш жараёни қачон тугаган ҳисобланади?
10. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида қайси сайлов комиссияси сайловчиларни хабардор қилади?

Сайлов участкасида ҳозир бўлган ички ишлар ва миллий гвардия ходимларига нималар тақиқланади?

A) B,C ва D жавоблар тўғри

B) Сайловчилар ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига таъсир ўтказиш

C) Сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш

D) Бирон-бир ташвиқот материалини ёки адабиётини тарқатиш

Ички ишлар ва Миллий гвардия органи ходимлари сайловчилар улардан ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни сўраганда улар қандай йўл тутиши керак?

A) Агар ички ишлар ва миллий гвардия ходими маълумоти бўйича юрист бўлса ёрдам беришга ҳақли

B) Фақат сайлов билан боғлиқ масалалардагина ички ишлар ва миллий гвардия ходими сайловчиларга ёрдам кўрсатиши мумкин

C) Ички ишлар ва миллий гвардия ходими сайлов кодекси талабларидан келиб чиқиб участка салов комиссияси рухсат берса ёрдам бериши мумкин

D) Уларнинг ҳаққи йўқ, бундай ҳолатда улар сайловчиларни участка сайлов комиссияси аъзоларидан бирига жўнатади

Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини таъминлашга масъул органлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A) Прокуратура, суд ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

B) Сайлов комиссиялари, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари

C) Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари

D) Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари

Жамоат тартибини таъминлашга масъул органлар ўз хизмат вазифасини бажаришда кимлар билан ҳамкорлик қилиши қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A) Марказий сайлов комиссияси билан

B) Бошқа давлат ва халқаро ҳамда миллий кузатувчилар билан

C) Участка сайлов комиссиялари билан

D) Сиёсий партиялар билан

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Расмий нашр

Муҳаррир
Зуҳриддин Қудратов
Рассом-дизайнер
Жамшид Ғофуров
Компьютерда саҳифаловчи
Хуршид Холиёров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.
Нашр. лиц. AI № 032, 29.10.2019.
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.
Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47
Веб-сайт: www.adolatmarkazi.uz
e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 16.03.2021 й.
Қоғоз бичими 60x90 $^{1}/_{16}$. «Antiqua» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 23,5.
Нашриёт ҳисоб табоғи 22,0. Адади 1000 нусха.
-буюртма. Нархи шартнома асосида.

“O‘zbekiston” NMIU MCHJ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Навоий-30.